



## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ЎҚИТИШДА АКТ СОҲАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

---

**Жиянов О.П.**

*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари  
университети Самарқанд филиали катта ўқитувчиси.*

[01051987oybek@gmail.com](mailto:01051987oybek@gmail.com)

**Аннотация:** Бу мақолада таълим жараёни учун ахборот коммуникация технологияларининг зарурий аҳамиятлари ҳамда замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрлаш, ўқув-тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш заруратлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** малакали мутахассислар, ахборот технологиялари, замонавий билим, кўникма, метод, дидактик, фикрлаш, таълим-тарбия.

Бугун Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятни куриш йўлидан изчил бораётганлиги учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислох қилинди, давлат иштимой сиёсатида шахс манфаати ва таълим устиворлиги қарор топди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги - Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори мамлакатимизда таълим тизимини ислох қилиш борасида олиб борилаётган ишларнинг ҳам мантиқий давоми, ҳам уни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қарорнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, унда олий малакали мутахассислар тайёрлашда халқаро стандартлар мезонига риоя қилиш, унинг даражасида шарт-шароит яратиш, руҳи ва талабига мос замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки педагогик фаолият жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини қондиришда умуминсоний фаолиятлар ва миллий фазилатларни шакллантириш, илмий асосланган режа ва дастурга мувофиқ амалга оширилади яъни ёш авлодни турмушга ҳаётга тайёрлашдаги имконият зарурий фаолият ҳисобланади.

Ўқув-тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурати ҳам кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш



шартларидан бирдир. Шу сабаб биз бу педагогик феноменнинг пайдо бўлиши ва риаожланиш жараёнини ўрганишга тарихий ёндашмоқдамиз.

Республикамиз Президенти Олий Мажлиснинг XIV-сессиясида - янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорй этишни таъминлашни назорат остида олиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Бугун олимлар ва ўқитувчилар илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқишга астойдил киришишлари шарт ва улар бу ишга масъулдирдар. Бу соҳага яқин хорижий давлатларда ҳам эътибор кучайтирилмоқда.

Республикамиздаги олий (ўрта махсус, касб-ҳунар, мактаб) таълими тизимида фаолият кўрсатаётган профессор ўқитувчиларни малака ошириш курсларида илғор педагогик ва ахборот технологиялари бўйича янги билимлар тизими билан қуроллантиришни узлуксиз ташкил этиш давр талабидир. Бугун педагогик технология алоҳида фан сифатида педагогика олий ва ўрта махсус ўқув юртлирининг ўқув режасига ҳам киритилди.

Ҳозирги замон шароитида юқори малакали кадрларни тайёрлашда ўқитишнинг ҳозирги замон тизимлари ва янги педагогик технологиялари асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Янги педагогик технологияларни хислати шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади. Дарҳақиқат, машғулотларнинг муваффақиятли ўтишининг 80 фоизи таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқдир.

Ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда таълим мазмунини, таълим мақсади, кутилаётган натижани тўғри белгилаш, таълим методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаш, талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларни баҳолашни аниқ мезонларини олдиндан ишлаб чиқиш, машғулотга ажратилган вақт ичида уларни тўғри амалга ошириш ва бир-бири билан уйғунлашувига эътиборни қаратиш мақсаддга мувофиқдир.

Ҳар қандай фаолият мақсади-келажак фаолият натижасининг ҳаёлдаги қиёфасидир. Замонавий ўқитиш технологияси мақсадларга изчил мўлжал олишнинг асосий бўлиб, тезда ушбу борада қайтиб келадиган алоқа манбаи ҳисобланади. Бунда ўқув мақсадлари имкони борича аниқлаштирилади.

Ҳозирда педагогик технологияларнинг турлари кўп бўлиб, улар бир-биридан, юқорида айтилгандек, айрим йўналиш ва мақсадларга асосий эътибор қаратилгани билан фарқланади.



Педагогик технология жараёнларини ўрганишнинг соддалаштирилган тартибини куйидагича тушуниш мумкин:

Тушунтириш-ахборотнинг маъно-мазмунини, ундан фойдаланиш тартибини турли восита ва усулларни қўллаб, тушунтирувчининг ўзи тушунган даражада бошқаларга етказиш фаолятидан иборат жараён.

Тушуниш - ахборотнинг маъно-мазмунини идрок қилиш, ундан кўрсатилган тартибда мустақил фойдалана олиш.

Ўргатиш - ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларни ўргатувчининг ўзи ўрганган даражада бошқаларнинг такрорлай олишини турли восита ва усулларни қўллаб амалга ошириш фаолятидан иборат жараён.


Ўрганиш - ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўникмаларини эгаллаш.

Ўзлаштириш-тушуниш, ўрганиш орқали ахборотнинг маъно-мазмунини, ундан фойдаланиш ёки ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида билим ва кўникмалар хосил қилиш.

Ўзлаштириш шартли равишда қўйидаги учта даражага ажратилади:

- ўргатилган билим, кўникмаларни тўғри такрорлаш;
- уларни амалий фаолятда қўллаш, улардан тегишли мақсадларда фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;
- уларни ижодий таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш асосида такомиллаштириш фаолятини амалга ошириш имкониятига эга бўлиш.

Шу билан бирга, педагогик технологияларнинг ҳаммасида ҳам бирдек қўлланиладиган ва таълим-тарбия жараёнининг тарихий таркиб топишида ва ривожланиб боришида хал қилувчи ахамиятга эга бўлган асосий таркибий элементлар сўзлаш, кўрсатиш ва машқлар бажаришдан иборат бўлиб, улар ўзаро қуйидагича кетма-кетликда ва боғлиқликда амал қилади:



схемадаги тушунча ва боғлиқликлар, асосий, бир бутун ҳолда амал қилиб, таълим-тарбия жараёнининг ва унинг ҳозирги такомиллашган шакли бўлган



педагогик технологияларнинг асосий ўзагини ташкил қилади. Ушбу схемадан педагогик технология жараёни иштирокчилари бўлган ўқувчи, ўқитувчи, таълим менежери, методист-технологнинг фаолиятларини ташкил қилувчи асосий элементлар ҳам аниқланади. Бунда ўқувчи фаолиятидаги асосий жараёнлар қуйидагилардир:

➤ Замонавий педагогик технология ўзининг педагогика ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга у биринчи галда ўқув-тарбиявий жараёни илмий асосда кўришга йўналтирилган;

➤ ўқитишнинг ахборотли воситаларидан дидактик материаллардан фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолиятига замин яратади.

Келажакда таълим тараққиётининг ҳаққоний двигатели сифатида ўқувчи фаолиятини янгилашга, таълим-тарбия жараёнини мақбул (оптимал) кўришга, талаба ёшларда ҳур фикрлилик, билимга чанқоқлик, Ватанга содиқлик, инсонпарварлик туйғуларини шакиллантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев. 20.04.2017 йилдаги Қарори билан - 2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастуридан - Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қароридан.

2. Каримов И.А. «Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори».-Т.: Ўзбекистон, 1997 йил.

3. «Замонавий илғор ва инновацион технологиялар» мавзусидаги Республика илмий амалай конференция материаллари тўплами. Бухоро Ю.Т.М.Т.И. 2012 йил.